



Истеъмол кайфияти шарҳи


2023 йил I чорак

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Тошкент 2023 йил

Истеъмом кайфияти индекси

2023 йилнинг I чорагида истеъмом кайфияти индекси¹ (ИКИ) IV чоракка нисбатан **2,3 бандга** камайиб, **23,8 бандни** ташкил этди.

1-расм. Истеъмом кайфияти индекси



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Аҳоли томонидан харажатларнинг мақбуллаштирилиши, шунингдек, кредитга бўлган эҳтиёжнинг бироз камайиши ҳамда жамғаришга бўлган мойиллиги ошиши истеъмом кайфияти индексининг пасайтирувчи омилларидан бўлди.

Ўз навбатида, даромадларнинг ошиши ҳисобига жамғармаларнинг кўпайиши бўйича ижобий кутилмалар шаклланиши ўрта муддатли истиқболда истеъмом кайфияти индексига оширувчи таъсир кўрсатиши кутилмоқда.

Харажат субиндекси


Келгусидаги харажатларини мақбуллаштиришни кутаётганлар кўпчилиқни ташкил этмоқда.

2023 йил I чорақда харажат субиндекси аввалги чорақка нисбатан **1,6 бандга** (2022 йилнинг мос даврига нисбатан 0,3 бандга) қисқариб, **12,3 бандни** ташкил қилди.

¹ Индекс кўрсаткичи -100 дан +100 оралиғида бўлиб, кўрсаткич +100 га яқинлашгани сари истеъмом кайфиятидаги ижобийликни ифодалайди.

Ушбу даврда истеъмол талабининг биров пасайиши мавсумийлик хусусияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу ҳолат аҳолининг истеъмол кайфияти индексида, хусусан, **харажатларнинг биров оптималлаштирилганлигида ҳам намоён бўлмоқда.**

2-расм. Келгуси харажатларнинг ўзгариши бўйича кутилмалар
2023 йил I чорак 2022 йил IV чорак



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Ўтган чоракда кўпчилик респондентлар **таълим, уй-жой таъмири, даволаниш, автомобиль ва маиший техника** харидига кўпроқ маблағ сарфлаганларини таъкидлаган бўлсалар, келгуси ойларда **уй-жой таъмири ва хариди учун, таълим, автомобиль, даволаниш ва бошқа қўшимча** харидларни амалга ошириш истагида бўлганлар кўпчиликни ташкил этган. Шу боис, ушбу товар ва хизматларга талабнинг юқори даражада сақланиб қолиниши кутилмоқда (3-расм).

3-расм. Йирик харидлар/харажатлар ўзгариши




Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Кредит субиндекси

Келгусида кредит олишга талабгорлар улуши бироз камаймоқда.

Жорий чорақда респондентлар фикрига кўра, кредитга бўлган талабнинг бироз қисқариши кузатилиб, кредит субиндекси **8 бандга** (аввалги чорақда 8,5 банд) тенг бўлди.

4-расм. Келгусидаги кредитга бўлган талаб ўзгариши бўйича кутилмалар



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Респондентлар орасида фақатгина 7-10 млн. сўмгача бўлган даромад синфи келгуси ойларда кредит олишни кўпроқ режалаштираётганини таъкидлаган бўлса, қолган барча даромад гуруҳида кредитга бўлган ялпи талаб камайиб бориши кутилмоқда.

Шунингдек, 3-5 млн. сўм атрофидаги даромадлилар орасида кредитга бўлган талаб ўзгармас даражада сақланиб қолинган (4-расм).

Жорий йилнинг биринчи ярмида кредитга бўлган талабнинг аввалги чорақларга **нисбатан бироз юмшаши** бўйича кутилмалар шаклланмоқда. Қатнашувчиларнинг **64 фоизи** келгуси ойларда кредит олишга эҳтиёжлари борлигини билдиришган (ўтган чорақда ушбу кўрсаткич 65 фоизга тенг бўлган).

Ўз навбатида, I чорақда истеъмол кредитларига бўлган аҳолининг юқори талаби сақланиб қолган.

5-расм. Келгусида кредитга ва харидларга бўлган талабнинг шаклланиши

Келгусида янги кредитга бўлган талаб ўзгариши	Келгусида қўшимча харажатларнинг ўзгариши				
	кўпаяди	бироз кўпаяди	ўзгаришсиз қолади	бироз камаяди	камаяди
ошади	● 60	● 26	● 9	● 3	● 2
бироз ошади	● 39	● 46	● 11	● 3	● 2
ўзгаришсиз қолади	● 35	● 36	● 23	● 5	● 2
бироз камаяди	● 31	● 41	● 16	● 8	● 3
камаяди	● 39	● 29	● 13	● 10	● 10
кредитга эҳтиёж мавжуд эмас	● 45	● 30	● 17	● 5	● 3

Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Маълумот учун, 2023 йилнинг январь-март ойларида жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **76 фоизга** кўпайган. Бунда асосан **таълим ва истеъмол кредитлари, автокредит** ҳамда **микроқарзлар** ажратишда ўсиш кузатилган бўлса, овердрафт кредитларини бериш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан камайган.

Шунингдек, аксарият респондентлар келгуси ойларда кредитга бўлган эҳтиёжини уларнинг харажатлари ошиши билан боғлиқлиги билдирилган (5-расм).

Даромад субиндекси

Респондентларнинг келгуси даврдаги даромадлари кўпайиши бўйича кутилмалари янада яхшиланмоқда.

I чорақда келгуси даромадлари кўпайишини кутаётганлар улуши аввалги чорақ натижалари каби кўпчиликини ташкил этди ва уларнинг улуши 68 фоизга тенг бўлди (*ўтган чорақда ушбу кўрсаткич 65 фоизни ташкил этган*). Ўз навбатида, даромад субиндекси ҳам **0,4** бандга (2022 йилнинг мос даврига нисбатан эса 3,2 бандга) кўтарилиб, **10,8 бандга** тенг бўлди.

Келгусида даромади ошишини кутаётган респондентларнинг аксарияти **7-10 млн. сўмгача** ойлик даромадга эга бўлган гуруҳга тўғри келмоқда. Даромади нисбатан пастроқ (*2-3 млн. сўмгача*) бўлган аҳоли

вакилларининг келгусида даромади ортиши бўйича кутилмалари қолган даромад гуруҳларига нисбатан пастроқ шаклланди (6-расм).

6-расм. Сўров иштирокчиларининг жавоблари бўйича тақсимоти (даромадлар кесимида)



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Сўровда **маиший хизмат, қурилиш, фан-таълим, тиббиёт, АТ ва ОАВ** ҳамда **савдо** соҳаларида фаолият юритувчиларнинг даромадлари бўйича оптимистик кутилмалари ўтган чоракка нисбатан янада ижобийлашди.

Аксинча, **ишлаб чиқариш, кафе-ресторан ва туризм** соҳасидагиларнинг келгусидаги даромадлари бўйича кутилмалари нисбатан пасайган (7-расм).

7-расм. Сўров иштирокчиларининг жавоблари бўйича тақсимоти (соҳалар кесимида)

Соҳалар	2022 й 4-чорак			2023 й 1-чорак		
	кўпаяди	ўзгаришсиз қолади	камаяди	кўпаяди	ўзгаришсиз қолади	камаяди
ишлаб чиқариш	63	20	17	60	33	7
қурилиш	58	32	10	63	28	9
қишлоқ хўжалиги	58	23	19	66	24	10
маиший хизмат	50	39	11	71	24	5
кафе-ресторан	72	23	5	69	24	7
ташиш хизмати	55	26	19	62	24	14
фан-таълим	67	23	10	73	20	7
тиббиёт	59	25	16	71	20	9
коммунал хизмат	58	34	8	61	32	7
туризм	70	11	19	64	26	10
банк ва молия	70	21	9	69	22	9
давлат бошқаруви	59	35	6	63	27	10
АТ ва ОАВ	52	20	28	72	20	8
савдо	70	24	6	74	20	7
бошқа	60	30	10	66	23	11

Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Жамғариш субиндекси


2023 йилда респондентларнинг жамғариш кайфияти янада яхшиланмоқда.

Жорий йилнинг I чорагида жамғариш субиндекси ўтган чораққа нисбатан **0,6 бандга** (2022 йилнинг мос даврига нисбатан 3 бандга кўп) ошиб, **7,3 бандга** тенг бўлди.

Бунда, келгусида жамғармалари кўпайиши бўйича ижобий кутилмаларга эга респондентларнинг улуши **52 фоизни** ташкил этди (аввалги чорақда ушбу кўрсаткич 51 фоизга тенг).


Айни вақтда банклар томонидан мижозларга таклиф этилаётган депозит фоиз ставкаларининг қулай ва жозибадорлиги, шунингдек, миллий валюта курсининг барқарорлиги респондентларнинг жамғаришга мойиллигини ортиб боришига ҳамда жамғариш кайфиятини ижобий шаклланишига хизмат қилмоқда.

8-расм. Жамғармалари кутилмалари



Респондентларнинг ўзгариши бўйича

9-расм. Жамғарманинг етарлилик даражаси



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, 2023 йилнинг март ойида аҳоли депозитларининг реал фоиз ставкалари инфляцион кутилмаларга нисбатан **4-5 фоиз** атрофида юқориқоқ шаклланиши жамғариш кайфиятини ижобий шаклланишига замин яратмоқда.


Яна бир муҳим жиҳатлардан бири респондентларнинг жамғармалари етарлилик даражаси бўйича ҳам ижобий сигналлар шаклланимоқда. Хусусан, ўтган чорақда жамғармалари **1 ойгача** муддатга етарлилигини маълум қилганлар улуши кўпроқни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида келгусида жамғармалари **1-3 ойгача** ва **ундан узоқроққа етишини** билдирганлар сони ошиб бормоқда (9-расм).

Шунингдек, жамғармалари мавжуд эмаслигини таъкидлаганлар улуши ҳам камайиб, I чорақда **35 фоизни** (аввалги чорақда 37 фоиз) ташкил этди.


Иқтисодиёт бўйича кутилмалар

Мамлакат иқтисодиётининг келгуси **12 ой** истиқболлари бўйича ижобий кутилмага эга жавоблар улуши аввалги чорақка нисбатан **5 ф.б.га ошган** бўлса (58 фоиз), ёмонлашишни кутганлар улуши **6 ф.б.га қисқарди**.

10-расм. Келгуси 12 ой учун мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар



11-расм. Келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Узоқ муддатли иқтисодиёт бўйича кутилмалар қисқа муддатга нисбатан оптимистик характерга эга бўлиб, хусусан, яқин 3 йилликдаги истиқболлари бўйича кутилмалари аввалги чорақка нисбатан **0,6 фоиз бандга кўпайиб, 72 фоизни ташкил этди** (10-11-расмлар).

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2023 йил

Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланди.

Ўз таклиф ва эътирозларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:

E-mail: achilov@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-22